

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
“ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК” КАФЕДРАСИ**

СИРОЖИДДИНОВ НОДИР ИЛХОМОВИЧ

“ДУТОР БАСС ЧОЛҒУСИДА АСАР ТАНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ”

“5150700 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)” йўналиши

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

**Илмий-ижодий рахбар:
ДОССЕНТ.ШАРИПОВ НҲМОНЖОН**

Тошкент-2016

Мундарижа

	КИРИШ	3
I БОБ.	“ДУТОР БАСС ЧОЛҒУСИДА АСАР ТАНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ”	8
1.1.	Дуторбас чолғусининг келиб чиқиш тарихи	8
1.2.	Ўзбек мусиқасида дутор басс чолғусининг талқин масаласи.	11
II БОБ.	ИЖРО ДАСТУРИ АСАРЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ	13
2.1.	Арам Хачатуряннинг ҳаёти ва Вальс асари таҳлили	13
2.2.	Ўзбек мусиқаси ижодиёти дутор басс учун ёзилган асарлар таҳлили	19
2.3	Тажриба-синов (танлов-фестиваллар ва концерт-ижрочилик) ишлари ва уларнинг натижалари	20
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	21
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	24

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Давлатимиз мустақилликка эришгач, мусиқа санъатига эътибор янада ошди. Ҳозирги кунда ўзбек мусикаси долзарблиги, илмий аҳамияти яна бир амалий ифодаси кирралари яратилмоқда. Жумладан, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган, миллий руҳдаги асарларни ижро этиш янада жадаллашди. Чунончи, ижрочилик санъатини мазмунан миллий мусиқий тамойиллар билан бойитиш, тингловчиларни миллий оханглар, анъаналар ва кўп асрлик мусиқий мерос воситасида эстетик тарбиялаш муаммоси алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Ҳозирги кунда бундай имкониятлар яратилиши, биринчидан, болаларда куй-қўшиққа, олий таълим муассаларида ижрочилик санъати каби билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Иккинчидан, мусиқа санъати асосида ўқувчи шахсининг маънавий, ахлоқий маданиятини, миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширади. Ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиради, фикрлаш даражасини кенгайтиради. Учинчидан, мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишига кучли таъсир кўрсатади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мустақилликнинг биринчи йиллариданок мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Айниқса, ижрочилик санъати меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни ёш авлодларга безавол етказиш таъминланди. Бунинг натижасида нуфузли ижрочилар танловлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда ўзбек ижрочилик санъати асосида ўқувчиларни мусиқий билимлар, воситаларини, эстетик гузаллик имкониятларини очиш зарурияти алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки мусиқа ижодиётининг касбий, профессионал жанрига оид назарий ва амалий билимларни, бадиий-мусиқий, эстетик тафаккурни шакллантиришда, маънавий-ахлоқий тарбиялашда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ушбу Битирув малакавий иш мавзуига ўзбек халқ чолғуларидан бири Дутор басс чолғусида ижрони ўрганиш ва талқин масаласи узоқ тарихга

боғлиқ. Ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштириш (реконструкция қилиш) натижасида вужудга келган чолғулардан бири – дутор бассда ижрони ўргатиш XX асрнинг 40-50 йилларидан бошлаб Республикамизнинг барча мусиқа ва таълим муассасаларида амалга оширилиб келинмоқда. Бу жараён маълум даражада ўргатиш услубиётни шакллантирди, мазкур соҳада ўзига хос тажриба тўпланди. Композиторлар томонидан дутор басс чолғуси учун янги, оригинал асарлар ёзилмоқда, бир қанча халқ куйлари қайта ишланиб, ўқув ва концерт репертуарларидан муносиб ўрин эгаллади. Аммо шу кунгача дутор басс учун махсус яратилган асарларни, унда ижро этиш услубиётини ўзида умулантирилган дарслик яратилгани йўқ. Ҳозирги пайтга мутахасислар орасида ўргатиш услубиётининг у ёки бу масалалари томонидан ягона фикрнинг қарор топмаганлиги туфайли ижро этишни ўргатиш бўйича айрим камчиликларга йўл қўйилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу эса ижрочиликка энди қадам қўяётган ёш созандаларнинг саводли, ҳар тарафлама баркамол, ижрочилик маҳорати “сир”ларидан хабардор бўлиб тарбияланишларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Мустақил иш бошлаётган ёш мутахасислар етарли даражада ўргатиш тажрибасига эга бўлмаганлиги сабабли иш фаолиятида қатор камчиликларга дуч келадилар: чолғуда ижро этишни ўргатиш ишини нимадан бошлаш керак, турли ижро услубларини қандай ўргатиш керак ва хоказо. Ёш мутахасиснинг ўзи чолғуда ижро этишни аъло даражада ўзлаштирган бўлса ҳам, баъзида ўргатиш ишига келганда нўноқлик қилиб қолади. Шу масалага яъни ёш ижрочиларни тарбиялаш, баркамол авлодни етук мутахасис этиб таёрлаш давлат дастурига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йилда нашр этирилган **“Юксак маънавият енгилмас куч”** асарида ўзбек мусиқа санъатига ва унинг ҳозирги кундаги долзарб муаммоларига тўхталиб ўтганлар. «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг мусиқий олами ва маданий савиясини юксалтириш,

ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий салоҳиятни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган вазифалар кўрсатилган. Ёш авлоднинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида мусиқа ва санъат мактабларининг фаолият кўрсатиши назарда тутилган.

Ҳозирги кунда бундай имкониятлар яратилиши, биринчидан, болаларда куй-қўшиққа, олий таълим муассаларида бастакорлик, ижрочилик каби билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Иккинчидан, мусиқа санъати асосида ўқувчи шахсининг маънавий, ахлоқий маданиятини, миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширади. Ижодий маҳорат, нафосат ва бадиий дидни ўстиради, фикрлаш даражасини кенгайтиради. Учинчидан, мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишига кучли таъсир кўрсатади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ мамлакатимизда мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилди. Айниқса, мусиқий таълим соҳасида ўқувчиларни тарбиялашда педагогик маҳорат кўникма ва билимларни безавол етказиш таъминланди. Бунинг натижасида нуфузли илмий анжуманлар мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда мусиқий таълим соҳаси асосида ўқувчиларни мусиқий билим бериш усуллари, воситаларини, эстетик гўзаллик имкониятларини очиш зарурияти алоҳида долзарблик касб этмоқда. Чунки, мусиқа ижодиётининг касбий, профессионал жанрига оид назарий ва амалий билимларни, бадиий-мусиқий, эстетик тафаккурни шакллантиришда, маънавий-ахлоқий тарбиялашда долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Мустақил Республикамизда амалга оширилаётган иктисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунга кўра 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. Таълимни минтикавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусиқа-буйича концепцияси ишлаб чиқилди.

1992 йил 25 ноябрда "Маърифат" рўзномасида мусиқа таълим-тарбиясининг концепцияси лойиҳасида мусиқа таълимининг миллий ва илмий асослари, мазмуни, тузулиши, табақаланиши, мусиқа ўқитувчисига бўлган замонавий талаблар ва унинг илмий услубий таъминоти баён этилди. Бугунги кунда ўзлигимизни англаш ўз тақдиримиз ва фарзандларимиз истиқболини яратиш имкониятига эга бўлган, Мустиқил Ўзбекистонда миллий маданиятимизни ўзига хослигини тиклаш, мактабларда ёшларни бадиий тарбиялаш ва камол ҳамда, ҳозирги кунимизни туларок идрок этиш учун тарихимизни яхши билмоқлик ҳисобланади. Чунки, ҳар бир тарихий боғланиш орқали амалга оширилади. Барча фанлар қатори мусиқий таълимда ҳам давлат таълим стандартларини жорий этилиши миллий мусиқий мерослардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Булар оммавий ҳалқ-қуй қўшиқларида хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари, мақом, шашмақом, дostonлар ва бугунги замонавий мусиқий фаолиятида ўз аксини топди. Мусиқа санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда уларнинг баркамол бўлиб етишишларида ўзига хос тақрорланмас манба бўлиб хизмат қилади. Мусиқа таълимида, давлат таълим стандартлари асосида таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва тажрибалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани тарбиялаш, образли тасаввур қилиш, ижодкорлик, мустиқиллик ташаббускорлик бадиий ва мусиқий дид каби ҳислатларини ривожлантиришни таъминлайди. Демак, ёш авлодни етук қилиб тарбиялашда мусиқий маданият дарслари аҳамияга эга. Мусиқий маданият дарслари ўқувчиларни ахлоқий-эстетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Улардаги гўзаликка бўлган ҳис-туйғуларини ўстиради мусиқа санъатига меҳр-муҳаббат қизиқиш уйғотади, она Ватанни севишга, бир-бирини, катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатни табиатни севишга қадрлашга

ўргатади ҳаётда ўз ўрнини топа олишга мадад беради. Бунда ўқувчилар бир санъатни бутун нафосати билан ўрганишлари, мусиқани идрок этиш якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш ва рақсга тушиш ижодкорлик малакаларини шакллантириш мусиқа тарбиясининг мақсади ҳисобланади. Шунингдек, ўқувчилар иқтидорини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароит яратиб бериш ва уларнинг бадиий ихтиёжларини қондириш мусиқа таълим тарбиясининг вазифасини ташкил этади. Ҳозирги мусиқий таълим шуни кўрсатадики миллий мусиқа меросимизни мусиқа дарсларини ва синфдан ташқари мусиқа тарбия аҳамияти катта. Мусиқа дарсларини ҳаётга жорий этиш мақсадида умумий ўрта таълим мактаблари стандарти асосида янги дастур асосий моҳияти аввало дарснинг мавзулари ҳар бир чорак белгиланган бош мавзулардан олиб чиқади. Дарсни қизиқарли бўлиши учун мусиқа дарсининг мавзуси мантиқан узвий боғланиб ўтилади.

Дарс мобайнида таълим-тарбияни амалга оширишда энг қулай ва самарали шакли бу жамоа бўлиб куйлашдир. Жамиятимизнинг турли жабҳаларида сиёсий-иқтисодий, ижтимоий маърифий ўзгаришлар барча фанлар қатори мусиқа дарсларининг мазмуни ва методикасига ҳам янги замонавий талаблар қўйилади:

1. Дарсда таълимий-дидактик, тарбиявий ривожлантирувчи мақсадларни билиш ва уларни амалга ошириш.
2. Дарсда таълимнинг фаол услублардан фойдаланиш. .
3. Дарс жараёнида ҳалқ педогогикаси анъаналарини, жаҳон педагогикаси психологияси, санъатимиз буюк аждодларимиз ўғитлари, ривоятларимиз, ҳикмат тўла ҳадисларимиздан унумли фойдаланиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки кейинги йилларда тажрибали методистлар, олимлар ва амалиётчи ўқувчиларнинг ўқув жараёнини таҳлил қилиш соҳасида ўтказилган тадқиқотлар дарс самарадорлигини ошириш педагогик ва дидактик шарт-шароитларига боғлиқ эканлиги кўрсатмоқда.

Энг муҳим шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат:

Дарсликлар, қўлланмалар, дастур тавсияномалар, дидактик кўргазмали куруллар ва техник воситалардан фойдаланиш. Синфда ижобий психологик муҳит бўлиш. Ўқитувчи ва ўқувчилар орасида ўзаро яхши муносабатда бўлиш бу педагогик шарт-шароитларга амал қилиб дарснинг мақсади мавзуси, тўғри ташкил қилинса дарс, сифатли самарали бўлиши мумкин.

Олий мажлиснинг 1997 йил 28 августдаги IX сессиясида қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" муҳим тарихий амалий ҳужжат бўлиб таълим тизимини тубдан ислох қилиш, уни дунёнинг илғор демократик давлат даражасига етказиш ва ёш кадрларни юксак маънавий ахлоқий юқори билимларга эга қилиб тарбиялашни мақсад қилиб қўйди. Шунингдек, ёш бўлажак педагог-кадрларимизни тайёрлашда мушиқа ўқитувчиси учун зарур бўлган сифатларни шакллантиришимиз лозим. Таҳлил жараёнида, энг муҳими тингловчилар дарс ўтказувчи ўқитувчи сифатида тасаввур қилиб, ўз – ўзини уддасидан қанчалик чиқа олишни тўғри баҳолайди. Тингловчилар томонилан ўтказилган дарсларни ва тарбиявий ишларни таҳлили одатда ўз-ўзини баҳолашда, ўзини саботини режа конспектларини таҳлил қилишдан ўз ишини қулай қилишдан бошланади. Методист-ўқитувчи, амалиётчи, тингловчиларга методик ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериб, ютуқларини аниқлаб, тўғри йўл кўрсатиши лозим. Бунда энг асосий мақсад ва тингловчилар ёшларимизни қобилият ва ютуқларини имкониятларини аниқлаб тўғри йўл шакллантириш ва юзага чиқаришдир. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримовнинг сўзларини барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислохатларимизнинг самарадорлиги аввало ҳалқ маънавиятининг тикланиши бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир - деган сўзлари билан маънавият чўққисига интилишига чорламоқдалар.

Битирув малакавий иши мақсади. Ўзбек ижрочилик санъати ривожланиш босқичлари, асарларининг миллийлик масалаларини муаммо ва муваффақиятларини келиб чиқиши, ва уларни илмий-ижодий тамойилларини изоҳлаш, ижро асарларни тавсифлаб, илмий нуктаи назардан исботлаб бериш.

Битирув малакавий иши вазифалари:

1. Битирув малакавий иш жараёнида ижро ва талқин масаласини асарлар мисолида мазмунан очиб бериш.
2. Миллийлик масалалари ва уни ижрочилик ифодавий воситаларини ўрганиб чиқиш.
3. Ўзбек ижрочилик ижодиёти тарихида яратилган камер чолғу асарларини тахлили.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси ва қиёсий тахлили.

Ўзбек мусиқа тарихида дутор бассс чолғуси учун пьесалар катта аҳамиятга эга. Айниқса 40-50-йиллардан бошлаб ўзбек мусикасида кўплаб янгиликлар юзага келди. Ўзбекона асарлар яратиш янада такомиллашди. Кўплаб композиторлар дутор бассс чолғусига мурожаат эта бошлашди. Айниқса, ўзбек композиторларидан Б.Зейдман, С.Юдаков, Г.Мушель, Д.Зокиров, Н.Норхўжаев, Ҳ.Рахимов, М.Махмудов, Ф.Назаров, О.Абдуллаева, Т.Жалилов каби ижодкорлар асарлар ёзишда самарали ижод қилишди. Шунингдек, Ўзбек халқ чолғулари учун такомиллаштириш, қайта ишлаш анча ривожланди. Ўзбек халқ чолғуларида миллийликка катта эътибор қаратилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги:

1. Ўзбек халқ чолғулари учун қайта ишланган асарларни замонавий мусиқий ифодалардан фойдаланилганлиги.
2. Дутор басс чолғуси учун камер асарларда яккахон ижрочининг жўрнавоз билан ҳамоханлиги.
3. Ўзбек миллий мусиқий ритм ва оханглари талқин масаласи.

Тадқиқот объекти. Дутор басс учун камер чолғу асарларини ижро маҳорати.

Тадқиқот предмети. Ўзбек халқ чолғуларининг камер асарларидаги ўрни.

Битирув малакавий ишнинг илмий аҳамияти:

- Чолғу асарларини ижро жараёнида талқин.
- Ижро жараёнида мусиқий ифодавий воситаларидан ўринли фойдаланиш.
- Ўзбек халқ чолғулари учун пьеса асарларини ижрочилик нуқтаи назаридан ифодавийлиги ва қулайлиги.

I БОБ. ДУТОРБАС ЧОЛҒУСИНИНГ ЎЗБЕК МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИДАГИ ЎРНИ ЎЗБЕК КОМПОЗИТОРЛИК

1.1. Дуторбас чолғусининг келиб чиқиш тарихи

Замонавий мусиқа санъатининг энг қадимий ва эътиборга молик жанрларидан бири – бу камер-чолғу жанридир. Унда симфоник жанр сингари оддийдан тортиб, мураккаб, фалсафий, чуқур мазмундаги мусиқий асарларни ижро эта олиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, чолғу мусиқаси ўзига хос ижро услубларига эга. Ҳозирги кунда камер ансамблларининг аҳамияти ошган бўлса-да, жанрнинг моҳияти сақлаб қолинган.

Ўзбекистонда камер чолғу мусиқаси жанрида сезиларли натижалар бўлмаган бўлса-да, айтиш мумкинки, ҳозирги кунда бу жанр энг ривожланган ва чўққисига эга бўлган паллададир. Камер мусиқаси интеллектуал салоҳиятни талаб қилувчи мураккаб жанр бўлиб, инсоннинг қалбини, ички дунёсини тасвирлашга қаратилган.

1904 йил Тошкентда симфоник ва камер мусиқанинг хаваскорлари томонидан ансамбль тўгараги очилди. Камер мусиқасининг ижодий кечаларида дастлаб классик асарлар, хусусан, В.Моцартнинг торли квинтетлари ва Аренскийнинг квинтети ижро этилгани ҳақида маълумотлар қайд этилган.

Урушдан кейинги йилларда торли чолғулар учун квинтет жанри анча ривожланди. Дастлаб Петросянц дутор басс чолғусини қайта ишлагач ушбу чолғуга мослаб кўпгина ўзбек халқ куйлари қайта ишланди, мослаштирилди ва чолғулаштирилди. Таркиби учун кичик ҳажмдаги пьесалар яратила бошлади. Ўзбекистонда камер-чолғу ансамбли миллий ижодиётнинг қизиқарли, самарали ҳамда сермахсул соҳасига айланди. Ўзбек мусиқаси ижрочилигида миллийликка катта урғу берилди.

Йиллар давомида ўзбек мусиқаси ижрочилик санъати мактаби янада сайқаллашиб, ўзининг индивидуал хусусиятларига эга бўла бошлади. Мусиқалар ёзиш фаол ривожланди. Айниқса, халқ куйларини қайта ишлаш

Ўзига хослиги билан эътиборни тортади. Бунинг натижасида бевосита жаҳон муסיқасининг концерт ижодиёт намуналари билан боғлиқликни кўриш мумкин. Композиторлар ушбу жанрда анча тажрибага эга бўлганлиги сабабли, унинг учун ёзилган асарларида миллийлик руҳи яққол акс этади. Камер-чолғу асарларида, яъни дуэт, триолар учун ёзилган бир нечта пьесаларда миллий руҳни ҳис қилиш мумкин.

Шунингдек, камер-чолғу муסיқасида Б. Гиенконинг ҳам самарали фаолиятини айтиб ўтиш мумкин. У асосан классик намуналарга риоя қилган. Б.Гиенконинг камер чолғу жанридаги илк тажрибаларига “Ракс” муסיқий асарини киритиш мумкин. Ушбу асарнинг ғояси ўзбек муסיқаси билан уйғунлашган. Б.Гиенконинг камер-чолғу ансамбли учун яратган тўққизта торли квартет, иккита скрипка, альт, виолончель ва фортепиано чолғулари учун “Триптих” номли квинтетларида миллийлик хусусиятлари ўзининг тўлақонлик ифодасини топган. Ушбу асарларнинг ривожланиши, куйнинг ўзбекона характери, доира усулларида самарали фойдаланганлиги муסיқий асарга янада жозиба бағишлайди.

XX асрнинг 20-йиллаиғ охири 30-йилларнинг бошларида камер ансамбль учун кўплаб асарлар яратила бошлади. Уларнинг муаллифлари К.Абдуллаев, В.Успенский, Д.Мацуцинлар эди. Улар ўзбек халқ чолғулари учун ҳам асарлар яратишган.

Бу пьеса ғамгин характердаги қадимий тўй маросимининг куйидан ташкил топган. Ўзбек халқида муножатнинг бир қанча вариантлари мавжуд – яъни ашула ва чолғу йўллари каби. Композитор чолғу йўлидаги вариантидан фойдаланган ҳолда, унинг лад-интонацион ва метроритм хусусиятларини сақлаб қолган. Муаллиф биринчи скрипканинг партиясини форшлаглар билан бойитади ва шу йўл билан халқ ижрочилик услубига яқинлаштиради.

Куй кварта-квинта ёки параллел кварта оҳангдошликлари билан гармонизациялаштирилганлиги сабабли, халқ чолғу муסיқасига хос бўлган кўповозлигини эслатади.

Энг аввало камер асарларда, айниқса, халқ чолғулари учун қайта ишланган пьесаларда миллийликни акс эттириш, миллий колорит, жило, усуллар, мақомлардан фойдаланилган ҳолда ўзбек муסיқасига кўплаб янгиликлар киритилди.

Европа ва рус муסיқасига хос бўлган усуллар пухта ўрганилиб чиқиб, сўнг олинган билим ва кўникмалар асосида миллий муסיқамизга синтез усуллари киритилди. Миллий муסיқамиз мавзу сифатида парчалар олиниб, ривожлантирилди. Европа чолғуларида ҳам миллий куйларимизни профессионал тарзда ижро этиш мумкинлигига замин яратилди.

1.2. Ўзбек мусиқасида дутор басс чолғусининг талқин масаласи.

Ҳозирги кунда ижод қилаётган кўплаб композиторлар томонидан камер асарларга, хусусан, ҳалқ чолғулари учун махсус асарлар яратилмоқда. Ва бу самарали ижод маҳсули ўзбек ҳалқ чолғулари оркестри ва ансамблларида ижро этилмоқда.

Мусиқа тарихида “Улуғларнинг улуғлиги-вақт ўтган сари ойдинлашади” деган доно нақл қайта-қайта такрорланади. Ҳақиқатдан, дейлик буюк Бах ёинки Бетховен ўз даври, ўз ватанида камтаронагина баҳоланишган бўлишса, сўнгги икки аср мобайнида буларнинг ижодий мероси наинки Германия, балки бутун жаҳон миқёсида-оламшумул аҳамиятга моликлиги изчил исботланиб келинмоқда.

Бизнинг мусиқа санъатимизда ҳам ана шундай дарға ижодкорлар йўқ эмас. Улардан бири ва алоҳида таъкидлаш жоизки биринчиси-Тўхтасин Жалиловдир. Зеро, фаолиятининг ўта кенг қамровлиги, созандаликда-водий ғижжакчилик мактабини яратганлиги, бастакорликда-бу ижод доирасини дангаллик билан бойитганлиги, яъни романс, опера каби мураккаб соҳаларда ибратли битиклар қолдирганлиги, жами 40 га яқин мусиқий-саҳнавий асарлари орқали - ўзбек мусиқали драмаси дея аталмиш халқчил, асл ўзбекона жанрга тамал тошини қўйиб кетганлиги-буларнинг ҳар бири оламшумулдир. Қуйида, биз, ана шу серқирра фаолият, уммондек ижодий меросдан фақат миллий ўзбекона мусиқаси талқини билан боғлиқ тамойиллар борасида фикр юритмоқчимиз.

Аввало, Тўхтасин Жалилов-водий бастакорлик мактабининг 20-асрдаги ижодбошиларида эканлигини теран англаб, деярли 1,5 мингйиллик мўъжизакор санъат анъаналарини тиклашга интилган. Иттифоқо, замон зайлларида келиб чиқиб, бу борадаги, янгича, баъзан тубдан янги ижодий тамойилларни к а ш ф этган.

Бастакорнинг илк асари-машхур “Сигнал”(1920) куйини таҳлилласак, унинг ўзбек мусиқа меросидаги оҳанг ва ритмик омилларини қидирсак, изланишларимиз “Дугоҳ” мақомининг айрим ашула, айниқса чолғу йўллари ва

буларнинг Шашмақомдагина эмас, балки “Мушкулоти Дугоҳ” деб аталувчи сурнай вариантларига бориб тақалади.

II БОБ. ИЖРО ДАСТУРИ АСАРЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Арам Хачатурянининг ҳаёти ва Вальс асари таҳлили

Вальс жанрининг ўз ичида симфоник мусиқа санъатининг табиатига яқинлиги, қолаверса камер мусиқа оламида ўзгача кўринишга эга бўлиши, унинг сахнавий ҳаётини давомийлигини кўрсатди. А.Хачатурянининг машхур вальс асари таниқли созандалар репертуарида муносиб ўрин эгаллашига қарамай мазкур асар нафақат республикамизда балки ғарб мусиқа адабиётида бугунги кунда атрофлича ўрганилган. Қолаверса вальс жанрининг ўзи мусиқий ҳаётимизда дадил фаоллигини кўрсатишига қарамай, охириги аср мусиқа ижодиёти тарихида ёритилган ва тадқиқ қилинган. Бу эса ўз навбатда биз танглаган мавзунинг *долзарблигини* белгилаб беради. Дутор басс учун вальс бошқа чолғулар учун аталган вальс асарлари орасида энг узоқ, яъни, асрлик умр кўрган жанр бўлиб, ўзининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларида кўплаб ўзгариш жараёнларини бошидан ўтказди ва бугунги кунга қадар ўрни ва мавқеини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Қолаверса айнан халқ чолғу учун вальснинг мавқеи XX аср иккинчи ярми симфоник мусиқа жанрларини ривож кесимида бир мунча ўсиб, ниҳоят юқори чўққиларга кўтарилди.

Мазкур концерт 3/4 саноғида бўлиб, вальс суръатида бўлиб жўрнавонининг ижросидан бошланади. Вальс жанрига хос равишда ўзгача кириш мавзуси жанрнинг асл моҳиятини илгари суради.

Асарда легато, акцент, деташе, стакато каби мусиқа ифодавий воситалари мавжуд. Драматургик жихатдан ривожланиб боровчан мавзу ўз хусусиятини йўқотмаган холда ритмларнинг суръатларнинг, образларнинг, композицион новаторлик тамойиллари, айнан жўшқин равишда бошланиши тингловчилар ва ижрочиларнинг ёдида тез сақланиб қолади. Асар давомида саноғ ўзгармайди рақсона мусиқий муҳитни келтиради.

Вальс жанрининг асосий талабларидан бу ўзаро беллашув. Айрим ҳолларда композиторлар ижодида вальс етакчи ўрин эгаллаб келсада (масалан, А. Шнитке, Э. Денисов, А. Эшпай, Р. Леденёв ижодларида вальслар сони симфониялар хажмидан бирмунча катта), бошқаларда эса (Б. Барток, Р. Щедрин, Ф. Караев ижодларида) вальс жанрини батамом чеккага суриб қўяди. Мазкур жанрнинг шаклланишидан бошлаб ва ривожланишга қадар пайдо бўлган жанр серкатламлиги, ўз ичида мураккаб жараёнлари кечиши билан тавсифланиб бу борада тадқиқотчилар диққат марказини ўзига жалб этди. Хусусан, турли давр тадқиқотчилари : В. Хохлов , Г.Орлов , Н.Соловцов, М.Друскин , Л.Раабен М. Тараканов концерт жанрига ўз монографияларида мурожат қиладилар .

Баъзан, тадқиқот объекти сифатида жанрнинг турдош хусусиятлари ва айрим масалалари диққат марказига танланган. Жумладан, “Жўшқинлик” ва “ ижрочилик муаммолари” га ўз эътиборини рус мусиқашуноси, олим Б. Асафьев изланишларини бағишлаган. В.Медушевский, М.Тараканов, И.Кузнецов, Е. Долинская, Н. Ахметходжаева бевосита концерт жанрини тадқиқ этишга бел боғлаган бўлсада, унинг диалогли асоси - Б.Асафьев. М.Лобанова Г.Демешко, ўйинли мантиқ табиати - Е.Назайкинский , М.Тараканов Н.Кравец, ижрочилик партияларни мутаносиблиги масалаларни - В.Хохлов ва И. Кузнецов ўз изланишларида кўриб чиқадиладар. Концертнинг тарихий- услубий масалари - Н.Зейфас, И.Гребнева Е.Антонова, Е.Денисовларлар тадқиқотларида ҳам таҳлил қилинди. М.Тараканов ва Г.Григорьева эса жанрнинг муаллифлик талқин масалаларига алоҳида тўхталиб бу борада қимматли кузатувларни ўз тадқиқотларида ҳавола қилганлар. Концерт жанрининг ўзга жанрлар билан ўзаро алоқадорлиги масаласи хусусан, С. Савенко, Н.Зейфас , Т.Лейе М.Лобанова, Е.Бараш Е.Денисова, Н.Кравец, Д. Смирнов, М.Городилова, А.Богданова, Л.Новосёлова, Е.Тараканова, Г. Демешко, С.Айзенштадт, Н.Брагинская, И. Гребнева, Я.Торганларнинг тарихий-назарий изланишларда ёритиб берилди.

Вальс жанрининг кўплаб масаларлари ханузгача ёритилмаган ва ўз тадқиқотчиларни кутмоқда. Маълумки ўтган асрнинг 50 –чи йилларида Вальс бағишланган биринчи тадқиқот яратилди. XIX асрнинг ворислик анъаналарини эътиборга олган ҳолда, кўплаб муаллифлар жанрнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига алоҳида эътибор қаратадилар, мазкур жанрнинг машҳурлиги эса унга хос бўлган асосий хусусиятлар орқали: оммавийлик, эстрадалик, тамошавийлик, хаётий ва оптимистик ғояларни очиб бериш имконияти билан тадқиқотларда асослаб берилади. Афсус, ўша йилларда сиёсат майдонида ҳукм сурган “мавкуравий назорат” XX асрда вальс жанрнинг асл ҳолати ва аҳволини кўз олдимизга келтиришга имкон бермади, қолаверса, шу ўн йилликларда яратилган Вальс жанрининг турлари, жумладан, Д.Шостакович, Н.Рославец, А.Хачатурян, А.Мосоловаларнинг новаторлик намуналарини ҳам ўрганишга имкон бўлмади.

Тарих саҳифаларини тўлдиришга Л.Раабен ҳаракат қилади. Унинг иккита китоби концерт жанрининг 1970 йилларга қадар босиб ўтган катта тарихий йўлни очиб беришга бағишланган.

Л. Раабен тадқиқотлари ўзини хронологик-тадрижий кетмакетлиги, масштаби, катта ва кенг регионал мамлакатларни қамраб олиши билан эътиборни тортади. Ўз навбатида бундай ёндашув жанр эволюциясини шаклланишидан бошлаб то замонавий босқичгача бўлган жарёнларни кўздан кечиришга имкон очиб берди. Муаллиф, XX асрнинг ҳар бир босқичида тўхтаб, бу соҳада касбдошлари ва изланучи “давомчиларини” нг номларини ҳам қайд этиб ўтади (Орлов Г¹, Хохлов Ю²)

Л.Раабен нафақат жанрнинг турфа ва ранг баранг кўриниш манзарасини, балки, концернинг типологиясини тузиб, эволюцион босқичларни белгилаб бергани тадқиқот қийматини оширди. Муаллиф томонидан ажратиб кўрсатилган икки концерт тури: техник “маҳоратли” (виртуоз) ва “симфоник” концертлар, бугунги кунда таснифланишнинг асосий

¹ Советский фортепианный концерт Л, 1954

² Советский скрипичный концерт. М, 1956

мезони сифатида мусикашунослик, ижрочилик амалиётида, мусикий қомусий китоб ва нашрларда ўз ифодасини топмоқда. Бундан ташқари, муаллиф жанрнинг аниқ белгиларини қайд этиб концертлик, ва унинг хусусиятларига кирган ўзгарувчан талқин табиати, вальс жанрининг эволюцияси ҳақида эркин сўз юритишга асос беради.

Муаллиф, бошқа тадқиқотчилар каби концерт жанрининг экспозициясини қайд этиб, уни “Симфониянинг ўзи бўлмасада, бироқ, кўплаб симфоник жанрлар масалан “симфоник сюита”, “дастурли симфоник поэма”ларни четга суриб қўйгани аниқ”... деб таъкидлайди .

Сўнгги тарихий босқичларда, хусусан даврнинг йирик композиторлари ижодиётида вальс жанрининг талқин масаласи шак-шубҳасиз санъатшунослар қизиқишини уйғотиб келади. Бу борада илмий тадқиқотлар, жумладан, битирув малакавий иши ёзилиши эътиборга молиқдир. Бироқ, уларнинг асосан “муаллифлик” йўналиши жанрининг XX асрдаги умумий тавсифини беришга ожизлик қилишини таъкидлаш жоиз. Бошқа томондан, юқорида берилган шарҳий мақолаларда концерт жанри деярли симфоник жанри таркибига сингиб кетиши, унинг мусикаси билан қоришиб тадқиқ этилаётгани, иккки жанр орасидаги ўзаро таъсир ва фарқ қилувчи қирраларини яққол очиб ва ҳар бирини эволюцион тадрижий босқичларни аниқлаб беришга тўсқинлик қилди.

Бугунги кунга қадар мавжуд вальс жанр таснифоти, унинг турдош жанрлар бўйича аниқ хусусиятлари деярли аниқланмаган. Бу каби масалалар жанр ўрганишда бирламчи ва асосийлар қаторида туради .






Юқорида концерт жанри масаласи билан шуғулланган муаллифлар ва уларнинг тадқиқотларда акс эттирилган барча кузатувлар биз учун шундай хулоса чиқаришга асос беради:


1




В тесне вальса

А. Даргауриян.

1. ме.







2.2. Чолғу Концерти жанри тарихидан ва Г. Голтерманнинг концерт асари хусусида

“Концерт” (асар) (нем. *konzert*, итал. *concerto* - лотинчадан *concerto*) – мусобақада қатнашаман маъносини билдириб яккахон ва кўп ижрочиларга мўлжалланган асарни ташкил этади. Унда яккахон ижрочиси ёки кам сонли гуруҳ кўпчилликка (оркестрга) ўзининг мусиқий матни, тематик рельефи, ёрқин жарангдорлиги, чолғулар тембрларнинг имкониятларидан кенг фойдаланилган ҳолда қарамақарши таққосланиб берилади.

XVIII асрнинг охирида концерт бир яккахон созанда ва оркестр учун бўлган мусобақа кўринишда кенг тарқалди. Концертларни бир неча чолғулар учун кўриниши - "жуфтли", "учли", "туртли" (нем. *Doppelkonzert*, *Triepelkonzert*, *Quadrupelkonzert*) номи билан қайд этилди. Бу борада концертларни ўзгача кўринишлари шаклланган. Унга кўра оркестрсиз фақат яккахон созанда учун ёки аксинча фақат оркестр учун концертлар ҳам яратилган мисоллар мавжуд. Концертлар шунингдек, овоз (ёки овозлар) ва оркестр, хор *a cappella* учун ҳам яратилган. Ўмишда концерт жанрининг вокал - полифоник ва *concerto grosso* кўринишлари ижрочилик амалиётида кенг ривож топади.

Концерт жанрининг шаклланишига туртки бўлган муҳим омиллар асосан вениция мактаби намоёндалари ижодида илк бор кенг қўлланиб тарқалди. Бу аввало хорларни серқатламлиги ва бир бирига таққосланиши, оркестр ва яккахонларни солиштириши, уларнинг таркибидан яккахон партия ва овозларни ажралиб чиқарилишида кўриш мумкин.

Энг биринчи концертлар Италияда чеков полифоник мусиқасида XVI аср охири XVII аср бошларида пайдо бўлган (А. Банкьерининг жуфт хор учун *Concerti ecclesiastici*, 1595; Л. Виаданнинг 1-4- овозлива рақамли бас учун мотетлар "*Cento concerti ecclesiastici*", (1602-1611)ни эслаш жоиз). Шундай концертларда турли таркибдаги ижрочилар қўлланилган- катта оқал ва чолғу партиялардан тортиб то саноқли вокал ва генерал бас партияларгача. Бирок

шунни қайд этиш лозимки, “Concerto” номланиши билан мазкур асарлар баъзан *motetti, motectae, cantios sacrae* каби номлари билан ҳам амалиётда ишлатилган. Черков музикасининг энг юқори концерт шакли - полифоник услубда бажарилган бўлиб, XVIII аср биринчи ярмида яратилган буюк немис композитори И. С. Баха кантаталари мисолида намоёиш этилади. Маълумки муаллифнинг ўзи ушбу кантаталарга *concerti* деб ном берган эди.

Концерт жанри ўз вақтида рус черков музикасида ҳам кенг ўрин олган. Хусусан, XVII асрнинг охиридан бошлаб партес кўйлашга таалуқли бўлган *a cappella* учун кўп овозли асарларда концернинг ўзгача тури намоён этилди. Бундай концерт кўйлашнинг назарий томонларини Н. П. Дилецкий ишлаб чиқган.

Рус композиторлари черков Концертларини кўп овозли маҳорат техникасини кенг ривожлантиришади (хусусан, мазкур асарларда 4, 6, 8, 12 ва ундан ортиқ хатто 24 га етган овозлар сони ишлатилган). Бугунда Москванинг Синодал хорида 500 яқин бундай концерт жанрларининг мисоллари мавжуд. Хусусан, XVII- XVIII аср концертларига В. Титов, Ф. Редриков, Н. Бавыкинларнинг асарларини ҳам киритиш мумкин. Черков Концертларининг ривожини XVIII аср охирида М. С. Березовский ва Д. С. Бортнянский томонидан давом этирилиб кўйчанг - ариозоли услуби билан ажралади.

XVII аср дан бошлаб Италияда чолғу музика санъатига бир неча яккахон овоз (чолғулар) орасидаги “мусобақа қилиш”, “курашиш ” тамойили кириб келиб, ўзининг ёрқин ифодасини - сюита ва черков сонаталарида топади ва маълум маънода чолғу концерт жанрини шаклланиши учун замин яратади. (*Balletto concertata* Р. Мелли, 1616; *Sonata concertata* Д. Кастелло, 1629).

XVII аср охирида айнан контраст таққослаш (“ мусобақа қилиш ”) асосида , оркестр (*tutti*) ва яккахон (*solo*), ки, бир неча чолғулар гуруҳи ва оркестр орасидаги муносабатларга (*concerto grosso*) асос солинди. (Дж. Бонончинининг *Concerti da camera a 3 con il cembalo*, 1685; Дж. Тореллининг

Concerto da camera a 2 violini e Basso continuo, 1686). Бироқ, Бонончини ва Торелли каламларига мансуб концертлари соната шаклидан бевосита коцерт жанрига ўтиш йўлини намоён қилган эди, унинг асл кўриниши эса фақат XVIII аср биринчи ярмида таниқли итальян комозитори Антонио Вивальди ижодида шаклланади.

Бу даврдаги концерт жанри ўзи билан уч қисмли шаклни ташкил қилиб, унинг чекка бўлимлари бир мунча тез темпда берилиб, урта бўлимга нисбатан қарамақарши солиштирилган.

Тез қисмлар асосан бир мавзуга асосланган бўлиб (баъзан 3 мавзулар ҳам ўрин олган); Ушбу мавзу оркестрда ўзининг асл кўринишда ўтиб рефрен-ритурнель (ондо турдаги моно мавзули *allegro* турини ташкил қилган). А. Вивальди томонидан яратилган *concerti grossi*, шунингдек, яккаҳон чолғулар - скрипка, виолончел, виола, турли пуфлама чолғулар учун яратилди.

Концерт жанрида яккаҳоннинг партияси дастлаб асосан боғловчилик вазифаларни ўтаган бўлса, жанрнинг эволюцияси қадар аста секин соф концертлик белгиларга эга бўлиб, мазмунан мустақил мавқеига эга бўлди.

Муסיқанинг ривожланиши *tutti* ва *solo* партияларни таққосланиши асосида тузилган бўлиб, улар орасидаги контрастлар динамик воситалар ёрдами орқали кучайтирилган. Мазкур концертларда фигурацион равон кўринишга эга бўлиб соф гомофон ёки полифони тузилмали фактура кенг ўриг олган. Яккаҳоннинг бошчилиги асосан орнаментал маҳорат ва тезлик маҳоратли ижро мисолида гавдаланган.

Ўрта қисм кўпинча ариозоли услубда бажарилган бўлиб (жумладан, патетик кўринишдаги яккаҳон арияси оркестрининг аккордли жўрлиги фонида янграган). Шу сингари концертлар XVIII асрнинг биринчи ярмида ниҳоят кенг тус олади. Мазкур концерт турларига И. С. Бах томонидан яратилган клавир концертларини ҳам киритиш мумкин (уларнинг айримлари муаллифнинг скрипка учун концертларининг қайта

ишлови ёки А. Вивальдининг скрипка учун концертларини 1,2 ва 4 клавир учун мосланган кўриниши акс этади).

И. С Бахнинг концертлари Г. Ф. Генделнинг клавир ва оркестр учун концертлар каби сўнги боскичда фортепиано концертларини ривожланишини учун катта йўл очиб берди.

Маълумки, Г. Ф. Гендель шунингдек, орган Концертнинг отахони хисобланади. Концертларда яккахон чолғулар ўрнида скрипка ва клавирдан ташқари виолончель, виола, гобой кўп ҳолларда скрипкани ўрнига қўлланилган, труба, фагот, кўндаланг флейта ва бошқа чолғуларни қўллаган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида классик турдаги чолғу концертнинг кўриниши шаклланди . Концерт ўзининг классик андозавий кўринишини Вена классик композиторлари ижодида ёрқин ифодасини топади.

Вена классикларнинг концерт жанрида сонато-симфоник туркумнинг шаклу- шамоили тўлагича шаклланди, бироқ, ўзининг ўзга хос кўринишида.

Концерт туркум одатда фақат 3 қимдан иборат бўлиб, соната-симфоник туркум учун хос бўлган тўрт қисмли шаклнинг 3 қисми - менуэт, ёки кечроқ скерцосиз бўлган. Бир мунча кечроқ скерцо баъзан секин қисм ўрнига киритилиб концерт таркибида ўрин олади (С.Профьевнинг скрипка ва оркестр учун №1 концерти) ёки тўлиқ тўрт қисмли туркумнинг таркиби (ф-но ва оркестр учун А. Литольф, И Брамс концертлари, Д. Шостаковичнинг скрипка ва оркестр учун №1 концерти) мисолида кўриш мумкин.

Концерт шаклнинг ичида, қисмлар орасидаги тузилиш ва тартиб қоидалари ҳам ўрнатилди. Хусусан, биринчи қисмида жуфтли экспозиция тамойили қўлланилган: дастлаб бош ва ёндош партия мавзулари оркестрда асосий тоналликда янграган бўлсада, ундан сўнг иккинчи экспозицияда мазкур партиялар бош яккахон ижросида талқин

қилинади. Шунга кўра асосий партия бош тоналликда ўтсада унинг ёндош партияси яккахон ижрочида тобе тоналликлар ўтиши мўлжалланган. Бундай талқин эса сонато *allegro* тизимида тўлиқ жавоб берган. Оркестр ва яккахон орасидаги таққослаш ва мусобақавий рух асосан ривожлов, ёки қайта ишлов қисмида тўлиқ ифодасини топади.

Классик даврдан аввал концерт талқин қилиш намуналари ўзгариб ўз навбатида тематик ривожлов тамойиллари билан узвий боғлиқ бўлиб қолади. Хусусан, Концернинг асосида ётган мавзу ижрочининг бадихалик қилишига қаратилган каденция асосида ёритилади. Бундай каденциялар одатга кўра асарни кодага ўтиш қисмида жойлашган. В.А.Моцарт концертларида каденция асосан фигурацияли, куйчанг, композитор услубига хос тиник, мусаффо ва пластик жилваси билан ажралиб турган.

Л.В. Бетховен каденциялари умумий драматизация қилиниши билан шиддатга тўла. Моцарт ва Бетховен ўз концертларида маълум қолип штампига итоат қилишдан ўзларини олиб қочади, баъзида хатто юқорида тарифланган жуфтли экспозициядан йироқлашадилар ҳам. Моцарт ва Бетховен концертлари мусиқа тарихида мазкур жанрнинг энг етук гуллаган палласини намоиш қилади.

Экспозициянинг биринчи қисми уч мавзу асосида қурилади. Асарнинг тузилиши, характери ва мавзуларнинг кетма-кетлиги драматургик жихатдан пухта ўйланганлигидан далолат беради. Шулардан биринчиси кириш мавзусининг унисон тарзида ўзбек мусиқасига хос синкопа ва миллий оҳангларда кучли драматик характерда янграши хикоянинг лавҳасига ўхшайди.

Асар давомида бош ва ёрдамчи мавзу умумий куйчанлик жихатдан қўшиқсимонлиги, ёрдамчи мавзу бош мавзуга нисбатан жўшқин ўйноқилиги ёрқин кўзга ташланади.

Кириш мавзусининг фаоллиги бутун асар давомида сезилади. Бинобарин, кириш мавзуси экспозицияда яхлитлик ҳосил қилибгина қолмай, ўзида уч муҳим аҳамиятли жихатни бирлаштиради. Булар, ҳикоянавиствлик, куйчанлик, ва драматургик жихатдан маҳаллийлик ва б.

Куй жуда эркин бўлишига карамай, динамика, фактура жихатдан жуда яхши ривож топган. Чунончи, асарда ўзбек мусикасига хос оҳангдошликнинг бошқа кўринишларини учратиш мумкин. Бир-бирига қарши бўлган куй йўналишлари, оғишмаларга бой лад оҳанглари куй ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Композиторнинг ушбу асарида чолғу концертига хос ажратиб бўлмас қисми бу яққалон чолғу оркестрга ўрин бериб мавзуга эркин аккордлар билан жўр бўлади. Лекин ҳақли равишда ривожланиб бориб, боғловчи вазифасини турли куй йўллари билан тўлдиради. Улардан бири бош мавзу давомийлигини билдирса, келадиган мавзу эса эндиликда янграйдиган куйни олдиндан билдиради. Боғловчи қисм олдин янграган куй матоларидан фарқланади ва ҳеч қачон такрорланмайди. Шунини таъкидлаш керакки, бу қисм ёрдамчи мавзуга боғлаб бериш билан чекланмай, ўзининг эркин ифодавийлиги, жўшқинлиги, динамик жихатдан ранг-баранглиги, шу вақтгача ривожланаётган куй давомийлигининг авжи ҳисобланади. Таҳлил жараёнида асар тематизмига тўхталсак, тематизм авжда кириш мавзусини қўллаган ҳолда ритмик-оҳанг ёрдамида яхлит бирлик ҳосил қилгани муваффақият қозонган.

Ёрдамчи мавзу партияси негизида сокин бўлмаган, рақс руҳидаги куйни учратиш мумкин. Ушбу партия кўтаринки руҳда бўлганлиги боис бош мавзунинг лирик куйига нисбатан характери билан фарқланади.

Ривожлов мавзуда ёрдамчи мавзу партиясини яна кузатиш мумкин, лекин у лирик куйчанликдан драматургик ривожловга ўхшайди. Асар давомида ривожловнинг биринчи қисми кўрсатилгандан сўнг бош мавзуга асосланган лирик лавҳа келади. Оҳангдорлиги жихатидан ушбу лавҳа драматизмга яқин.

Ижодкорнинг ушбу лавҳада урма-зарбли чолғулар ифода воситаларидан унумли фойдаланганлиги драматизмни ошириб тингловчини ҳушёр этади. Фактура турли ҳил бўлиб лавҳанинг ўн олтиталик нўталар билан тонал ўзгаришларнинг кўплиги композиторнинг асосий экспериментларидан. Ўзига хос драматургик жихатни бир мунча ўзгартирилган усуллар янада кучайтиради.

Айнан ривожловдан аста-секинлик билан ривожланиб бораётган зиддият ёрқин авжга етиб келади яъни реризага. Жўшқин, таъсирли якун бош мавзуни тўла-тўқис мусикий мазмунини ёритиб беради.

Тарихга назар солсак, ушбу асар классик анъаналар асосида яратилган. Бир томондан соната-симфоник мусиқанинг иккинчи қисмларига хос сокинлик, бошқа томондан ўзбек куйларига лад ва оҳангдорликни кузатиш мумкин. Унинг оҳангдорлиги куй-кўшиққа яқин бўлганлиги учун кўпгина мусиқа танқидчилари халқ кўшиқларига солиштиришган.

Мавзу ривожлов қисмда ўзига қарама-қарши руҳда бўлган бирламчи мавзуга қайтади. Рондо элементлари билан уч қисмлилик ва финалдан иборат ушбу асар байрамга чақирув ёки кўринки руҳдаги кода билан якунланади.



con passione

espress.

calmato

p

musical score for piano, measures 111-118. The score is written for three systems, each with a grand staff (treble and bass clefs). The key signature is D major (two sharps). The time signature is 4/4.

Measure 111: *cresc.* (crescendo) in the bass staff, *dim.* (diminuendo) in the treble staff.

Measure 112: *cresc.* (crescendo) in the bass staff, *div.* (divisi) in the treble staff.

Measure 113: *espress.* (espressivo) in the bass staff.

Measure 114: *mf con anima* (mezzo-forte, with spirit) in the bass staff.

Measure 115: *p* (piano) in the bass staff.

Measure 116: *p* (piano) in the bass staff.

Measure 117: *p* (piano) in the bass staff.

Measure 118: *p* (piano) in the bass staff.

2.3. Тажриба-синов (танлов-фестиваллар ва концерт-ижрочилик) ишлари ва уларнинг натижалари

Тажриба-синов ишлари(танлов-фестиваллар ва концерт-ижрочилик) сифатида Ўзбекистон давлат консерваторияда ўқиш йилларида ихтисослик бўйича турли танлов ва концерт дастурларида ўз асарларим билан қатнашдим.

2011 йил Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган халқ чолғулари фестивалида иштирок этдим.

2012 йил “Камолот” ЁИХ томонидан режалаштирилган бир нечта концерт дастурларида иштирок этдим.

2013-2015 йиллар давомида тажриба ва синов сифатида кўпгина ёш ижрочиларга концерт дастурларига таёргарлик кўриш масалаларида ўзимнинг ижрочилик маҳорати бўйича керакли маслаҳатларим билан яқиндан иштирок этдим.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тингловчиларнинг муסיкий дидини шакллантириш, ўзбек муסיқасининг ўрнини жаҳон сахналарига чиқариш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Маълумки, муסיкий асарлар бирор бир сюжетга асосланиб, дастурли кўринишда яратилиши мумкин. Шунингдек, абстракт воқеалар асосидаги муסיкий асарлар ҳам жуда кўп учрайди. Инсон китоб мутолаа қилганида, фильм томоша қилганида сценарийнинг мазмун-моҳиятини ҳис қила олиши жуда муҳим. Муסיкий асарни тинглаганимизда ҳам худди шундай тасаввур пайдо бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда муסיқасиз тасаввур этиш қийин. Унинг қайси бир (бадий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, анимацияли) турида бўлмасин, муסיқага эҳтиёж кучли. Муסיқа ижроси бадий ифодавийлиги унда янграган муסיқага ҳам боғлиқдир.

XX асрнинг 50-йиллари – Ўзбек муסיқасининг янги тараққиёт босқичи даври бўлди. Бу даврда тарихий-биографик мавзуга асосланган муסיқалар кўпроқ яратилди. Мазкур йилларда Г.Мушель, М.Бурхонов, Д.Зокиров, И.Акбаров каби композиторлар бу соҳада сермахсул ижод қилишди. Бу даврда яратилган муסיқалар ҳалқ чолғулари ва симфоник оркестр учун яратилган бўлиб, ўзининг ноёб оригиналлиги билан ажралиб туради. Сифат даражасининг юқорига кўтарилиши кузатилади. Муסיқа драматургиясининг умумий тузилишига ижобий таъсир этиш уйғун ҳолда бирлашган муסיқа мазмунини ва образларининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиришдолзарбдир. Яъни, муסיқага алоҳида муҳит, муайян эпизодлар кўтаринки кайфият, бош мавзунинг ёрқин ифодаланишига ёрдам беради. Қолаверса, муסיқа миллий қиёфа беради. Петросанс даврида муסיқа санъатида ажралмас қисмига айланиб улгурган “ижрочилик” тушунчаси юзага келди.

Ҳар бир инсон муסיқа тинглаганида унинг кўз олдида маълум бир сюжет гавдаланади. Ана шу сюжет асосида тингловчи маънавий озуқа олади.

Ҳозирги кунда маълумки, ўзбек муסיқаси икки йўналишга ажралди. Анъанавий ижрочилик ва замонавий эстрада йўналиши. Ҳар бир йўналиш ўзига

хос ютуқ ва камчиликларига эга. Айниқса, бундан бир неча йил илгари ўзбек эстрада санъати анча оқсаётганини кузатиш мумкин эди.

Чолғу мусикаси санъатнинг муштарак (синтетик) тури сифатида ўрганилиши лозим. Унинг барча унсурлари ўзаро боғланиб, бир-бирини бойитиб, мураккаб тизимини ташкил қилади. Бир ёки бир неча хонанда овози билан чолғу асбоби жўри ёки жўрсиз ижро этилишга мўлжалланган асарлар вокал мусика соҳасига таалуқли бўлади. Аксарият ҳолларда вокал мусика асарлари сўз, маросим ёки сахна ҳаракати билан боғлиқдир. Куй сўз билан боғланганда фақатгина унинг маъносини акс эттирибгина қолмай, матн остида ётган мазмунни ҳам ифодалайди. “Матн – матн ости – мусика” алоқалари жуда мураккаб ва ўзгарувчан бўлиши мумкин, лекин у бадиий асар таркибида ҳеч қачон мутлақо эркин бўла олмайди. Шунинг учун бир матнга ҳар хил асарлар ёзилса ҳам, уларнинг ҳар бирида мусика ва матн ўртасидаги турли алоқаларни топиш мумкин.

Чолғу мусикада сўз мазмуни, унинг ифода воситалари, куйнинг ритми, мелодикаси ва синтаксиси билан боғланади. Ритм, тембр, мелодика, артикуляция, баландлик биргаликда мусика тилини (нутқини) барпо этадилар. Булар фақат сўзнинггина эмас, балки мусиканинг ҳам унсурларидар. Ритм соҳасига қисқа ва чўзим товушлар орасида муносабатлари, урғулар, жумлалар бўлиниши, паузалар, темп ва умуман синтаксис киритилади. Ушбу умумийликлар сўз ва мусика оҳанглариини бирлиги ва фарқни ўрганишга ҳамда таҳлил қилишга имкон беради. Сўзнинг маъноси ва куй изми ҳамда барча ифода воситалари орасида узвий боғланишлар мавжуд, умумий нуқталари бор. Куй изми деганда оҳангнинг товушларини баландлик таърифини назарда тутамиз. Нутқнинг куй чизиғи билан мусикадаги куй измининг умумий таърифлари кўпдир. Асарини таҳлил қилганда биринчи бўлиб мусиқий образни шеърини ёки насрий матнни характери ва образига бадиий мослиги тўғрисида савол туғилади. Ушбу мослик умумийлашган ёки деталлаштирилган характерга эга бўлиши мумкин. Шеърини матнга ёндашиш вокал куйнинг характерини, мусиқий асарнинг шаклини аниқлайди. Мусика ва матн муносабатлари турли

хил омиллар билан аниқланади. У ёки бу жанр, тарихий давр, конкрет композиторнинг услуби ва бошқа омиллар улар ичида. Кўпинча вокал асарлар асосида поэтик матнлар ётади, шунинг учун шеърини ўлчовлар ва улар билан боғлиқ бўлган шеърнинг характери вокал куйни тузилишига, унинг ритмига ва суратига таъсир кўрсатади. Лекин шеърни мусликий ритмга таъсири чегарасиз эмасдир. Мусликий бой имкониятлари композиторга шеър ритмини турли хил талкин қилишга кенг шароитлар яратади. Шеърини матнни муслиқада ифодаланиш тамойилларини таснифлаш асосида шеър вазни (ўлчови) ва нуткий ритмини мусликий ритм билан бўлган ўзаро нисбати ётади.

Кўплаб куй-қўшиқларнинг мусликий матни, мазмуни ва куйнинг савияси жуда паст эканлиги билан тингловчиларнинг асабига тегадиган ҳолатлар ҳам бўлган. Кўчаларда муслиқани баланд қилиб, реклама қилиш урфга кирган эди. Аксарият ҳолларда, бундай сифатсиз куй-қўшиқлар ҳаваскор муслиқачилар томонидан яратилган. Аммо, ҳозирги кунга келиб, ушбу ҳолатлар анча камайди. Президентимиз И.Каримовнинг муслиқа ва санъатга алоҳида эътибор билан ёндашиши натижасида ўзбек муслиқасида ижобий томонга силжишлар кузатилди. Муслиқа соҳасида профессионал ижодкорлар кўпайди. Нафақат муслиқага, балки, унинг мазмуни, матни, бадиий аҳамияти ва сифатига ҳам эътибор қаратилди. Муслиқа эстетик завқ олиш, маданий ҳордиқ чиқариш омилига айланди. Тингловчи ўз дидига мос бўлган сифатли қўшиқлар тинглаш имконига эга бўлди.

Ўқувчиларни эстетик тарбиялашда мақом намуналари, муслиқа дарсларининг мазмуни ва унда берилган билимлар ўзига хос муҳим манба бўлиши мумкин. Ўзбек муслиқасининг самарадорлигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Ўқувчилар шахсиятида яширин бўлган мусликий қобилиятларни кашф этиш ва ривожлантириш;
2. Ўқувчиларда мусликий кўникмаларни шакллантириш, бу кўникмалар уларда фақатгина муслиқага оид билимларни муваффақиятли ўзлаштириш

имкониятини яратибгина қолмай, балки уларни ижтимоий турмуш вазифаларини еча олишга тайёрлаб бориши керак;

3. Ўқувчиларда мусикага қизиқиш уйғотиш, ижро этиш, соз чалишга нисбатан уларни қизиқтириш;

4. Мусиқа ўқитувчиси бутун педагогик–психологик воситаларни қўллаган ҳолда ўқувчиларни эстетик тарбиялаши лозим. Фақатгина шундай яхлит фаолият натижасида ўқувчилар мусиқа таълими якунида мусикий идрок, мусикий онг, ижро этиш кўникмаси ва соз чалиш каби кўникмаларига эга бўлиши, шунингдек, мусикага оид тушунчаларни аниқ англаб етишлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август № 463-1.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Тошкент: «Маънавият», 2008.
3. Апраксина О.А. Методика музыкального воспитания в школе.—М.: 1983. — 124 с.
4. Гафурбеков Т.Б. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества. — Тошкент: Ўқитувчи, 1984. — 128 с.
5. Иброҳимов О., Садиров Ж. Муסיқа: 7—синф учун дарслик. — Тошкент: Ё.Ёулом нашриёти, 2001. — 244 б.
6. Имомназаров М., Эшмухамедова С. Миллий маънавият асослари. — Тошкент: Ислон университети, 2001. — 432 б.
7. Хасанов А. Народная музыка как средство нравственно-эстетического воспитания молодёжи. -Дисс. ... докт. пед. наук. —Т., 1989.- 339 с.
8. Олимжон Акбаров — Педагогик амалиёт. — 2005й.
9. О.Назаров “Қашқар рубобида ўқитиш услубиёти”. Т., - 2008.

Ўзбекистон давлат консерваториясини “5150700 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари)” бакалаврият таълим йўналиши бўйича 2016 йил битирувчиси Срожиддинов Нодир “Дутор басс чолғусининг ўзбек мусиқа ижрочилигидаги ўрни” мавзусида Битирув малакавий иши

ХУЛОСАСИ

2015 йил битирувчиси Срожиддинов Нодир томонидан бажарилган мазкур ишда танланган мавзунинг ўзига хос муаммоси ва унга асосланган ҳолда мусиқа санъатининг мавзуга тааллуқли жанрларида оригинал ижодий асарлар таҳлили, бугунги кун санъатининг истиқболи ривожланишини акс эттирди, деб ҳисоблайман.

“Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедраси томонидан ўз пайтида малакавий ишлар мавзуси банки яратилди ва битирувчи ўз ихтиёри билан юқорида номланиши акс эттирилган мавзунинг 6-семестрда танлади ва унинг устида мунтазам ижодий изланишлар олиб борди. БМИ мавзуси “Халқ чолғуларида ижрочилик” кафедрасида рўйхатга олиниб, факультет Кенгаши, консерватория Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланди.

Малакавий ишни бажаришдан кўзланган мақсад қуйидагилардан иборат:

- таълим бўйича назарий – амалий ва амалий ижодий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;
- олинган билимларни муайян илмий, илмий-ижодий, ижодий - ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш;
- ижодий асарлар ижро этиш, ижро этиладиган асарнинг режалаштириш ва бажариш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган маъсулиятни ҳис этишга ўргатиш.

Замонавий маданият ва санъатнинг, хусусан, мусиқанинг ривожланиши шароитида талабани мустақил ишлашга тайёргарлигини таъминлашдан иборат бўлди.

Малакавий иш мавзуси ва режалаштирилаётган асарлар жанри аниқлангандан сўнг илмий-ижодий раҳбар томонидан қуйидагилар бажарилди:

- вазифа берилди;
- малакавий ишнинг бажарилиш жадвали режалаштирилди;
- асосий адабиётлар, маълумот ва архив материалларини, тинглаш учун буюк мусиқа ижодкорлари асарларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбалар ёки қўшимча топшириқлар бўйича тавсия берилди;
- талаба билан мунтазам равишда маслаҳатлар ўтказилди;
- малакавий ишнинг бажарилиши жараёни назорат қилинди;
- талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига шубҳа туғилмаслиги учун ижодий ҳамда тадқиқот соҳасидаги соғломлик ҳисси тарғиб қилинди;
- бўйича энг сўнгги маълумотлар, асарлар билан яқиндан танишиб, фикрларни жамлаб ўз тили билан ёзиб чиқиши, ижод қилиши лозимлиги мунтазам уқтирилди.

Битирувчи Срожиддинов Нодир малакавий битирув ишини бажаришда қуйидаги тартибга риоя этилди:

Титул варағи;

Мундарижа;

Кириш;

Асосий қисм боблари;

Хулоса;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати;

Илова.

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, малакавий битирув ишининг мақсад ва вазифалари, илмий, амалий, ижодий аҳамияти, илмий-амалий янгилиги, тадқиқот предмети, тадқиқот объекти, методология услублари ёритилди.

Битирувчи Срожиддинов Нодир Ҳалқ чолғуларида ижрочилик санъати бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлик даражасига даъвогар эканлиги сабабли БМИнинг энг асосий мақсади - етук ва тугал асарлар ижро этиш бўлди. Баҳоловчи мутахассисларга ва кадрлар буюртмачиларига қуйидаги ижодий асарлар нотаси, уларнинг бадиий жамоалар ва алоҳида ижрочилар томонидан сахнада ижро этилишини таъминлади.

Ёш ижодкор Срожиддинов Нодир мустақил изланиб, ижод этадиган ижрочи сифатида ўз маҳорати билан Республикамиз мусиқа маданияти ривожига муносиб ҳисса қўшади, деб ишонч билдираман.

Илмий-ижодий раҳбари:

“Ҳалқ чолғуларида ижрочилик”

кафедраси ўқитувчиси

ДОССЕНТ.ШАРИПОВ НҲМОНЖОН

Ўзбекистон давлат консерваториясининг “5150700 – Чолғу ижрочилиги (ҳалқ чолғулари)” йўналиши бакалавриат таълим йўналиши бўйича 2016 йил

битирувчиси Срожиддинов Нодирнинг “Дутор басс чолғусининг ўзбек мусиқа ижрочилигидаги ўрни” мавзусида Битирув малакавий ишига

ТАҚРИЗ

Ўзбекистондавлат консерваториясини “Халқ чолғуларида ижрочилик” ихтисослиги бўйича бакалавриат битирувчиси Срожиддинов Нодир томонидан бажарилган мазкур БМИ ва унга унинг илмий-ижодий раҳбари –ўқитувчи Д.Хакимовнинг хулосаси билан, қолаверса факультет декани ва чиқарувчи кафедра мудири томонидан имзоланган тавсифнома билан тақризчи сифатида яқиндан танишдим. Срожиддинов Нодир айнан мусиқа таълимининг барча босқичларида таҳсил олиб, йиллар сайин ўсиб келгани, ижрочилик касбини танлаб, ўқиш йиллари мобайнида ўзининг ижодий изланишларига жиддий ёндошиб, мантиқан тугал асарлар яратишга, уларни ижро эттириб, кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳукмига хавола қилишга ҳаракат қилган. У ўзининг изланувчанлиги, синчковлиги, янгилик сари интилиши билан ижрочилик сирларини чуқур ва мукаммал ўзлаштиришга ҳаракат қилганлиги - “бакалавр” даражасини олиш учун тақдим этган ушбу Битирув малакавий ишининг сифатидан ҳам маълум бўлди.

Срожиддинов Нодир ўзининг илмий-ижодий раҳбари - ўқитувчи Д.Хакимов билан биргаликда “Дутор басс чолғусининг ўзбек мусиқа ижрочилигидаги ўрни” мавзусида Битирув малакавий ишини ўрнатилган тартиб ва муддатларда бажарган, илмий-ижодий изланишларининг натижаси сифатида Давлат Аттестация Комиссиясига тегишли жанрларда яратган йирик ва камер асарларининг тақдимотини тайёрлаган.

Ўйлайманки, ёш ижрочи Срожиддинов Нодир келажакда ижодий соҳа билан бир қаторда, илмий-тадқиқот ишларини ҳам самарали олиб боришига ишонч билдираман.